

Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги ҳузуридаги  
Давлат хизматлари Агентлиги  
Давлат хизматлари марказида  
2021 йил “ 8 ” апрелдаги  
780143 - сон реестр рақами  
билан

“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

“SQB CONSTRUCTION”  
масъулияти чекланган жамияти  
Иштирокчиларининг  
2021 йил 5 апрелдаги  
16-сонли умумий йиғилиши  
баённомаси билан



**“SQB CONSTRUCTION”  
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИНИНГ  
УСТАВИ  
(янги тахрирда)**

Тошкент ш. – 2021 йил

## 1-МОДДА УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Кейинги ўринларда “Жамият” деб аталувчи “SQB Construction” масъулияти чекланган жамиятининг мазкур Устави Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ва кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни (кейинги ўринларда “Қонун”) ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий ҳужжатларига биноан тузилган ҳамда Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг 2021 йил 5 апрелдаги 16-сонли Қарори билан тасдиқланган.

1.2. Биргаликда “Иштирокчилар” деб номланувчи Жамиятнинг Иштирокчилари:

– Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абай кўчаси, 10А-уй манзилида жойлашган юридик шахс – “SQB Capital” МЧЖ номидан Бошқарув Раиси Дадажанов Нematжон Махамаджанович (кейинги ўринларда – Компания-иштирокчи);

– **Оллаберганов Сирожиддин Қадамбоевич (Ollaberganov Sirojiddin Qadamboyevich)** – Ўзбекистон Республикаси фуқароси, паспорт маълумотлари: АВ 6396424, Тошкент шаҳар, Миробод тумани ИИБ томонидан 11.04.2017 йилда берилган, яшаш жойи: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 2-уй, 27-хонадон (кейинги ўринларда – Иштирокчи).

1.3. Жамиятнинг фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган.

1.4. Жамият Иштирокчиларининг таркиби ўзгартирилиши мумкин, шу жумладан ўз хоҳиши билан Жамият таркибига кириш истагини билдирган, унинг Уставини тан олган манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар қабул қилиниши ҳисобига кенгайтирилиши мумкин.

1.5. Жамият Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган пайтидан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади.

1.6. Жамият Ўзбекистон Республикасининг юридик шахсидир, банк муассасаларида ҳисоб ва бошқа рақамларига эгадир, ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка эга, ўз номидан ҳуқуқларга эгалик қилиши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.7. Жамият ўзининг давлат тилида тўлиқ номи ҳамда Жамиятнинг жойлашган манзили кўрсатилган думалоқ муҳрига эга.

1.8. Жамият ўз фирма номи ёзилган штамплари ва бланкаларига, ўз тимсолига, шунингдек, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига, ҳамда бошқа ўз белги-аломатларига эга бўлишга ҳақлидир.

1.9. Жамият бошқа юридик шахсларнинг муассиси бўлишга ёки уларнинг устав капиталда (устав капиталда) бошқача тарзда иштирок этишга ҳақлидир.

## 2-МОДДА.

### ЖАМИЯТНИНГ НОМИ ВА ПОЧТА МАНЗИЛИ ЖАМИЯТНИНГ ВАКОЛАТХОНАЛАРИ ВА ФИЛИАЛЛАРИ

2.1. Жамият тўлиқ фирма номига эга:

- ўзбек тилида – “SQB CONSTRUCTION” масъулияти чекланган жамияти;
- рус тилида – Общество с ограниченной ответственностью «SQB CONSTRUCTION»;

- инглиз тилида – “SQB CONSTRUCTION” Limited Liability Company;

2.2. Жамият қисқача фирма номига эга:

- ўзбек тилида – “SQB CONSTRUCTION” МЧЖ;
- рус тилида – ООО «SQB CONSTRUCTION »;
- инглиз тилида – “SQB CONSTRUCTION” LLC;

2.3. Жамиятнинг юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абай кўчаси, 10А-уй.

2.4. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик шахсларнинг муассиси бўлишга ёки уларнинг устав капиталида (устав капиталида) бошқача тарзда иштирок этишга, ваколатхоналар ва филиаллар тузишга ҳақлидир.

### 3-МОДДА.

#### ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛИЯТ ДОИРАСИ

3.1. Жамият фаолиятининг асосий мақсади бинолар ва иншоотлар қуриш ва таъмирлаш ҳамда ушбу фаолият орқали фойда олиш.

3.2. Ўз фаолиятининг мақсадига эришиш учун Жамият қуйидагиларни амалга ошириши мумкин:

- инвестиция лойиҳаларида иштирок этиш;
- умумқурилиш;
- қурилиш, монтаж ва таъмирлаш;
- назорат ўлчови хизмати;
- техник назорат;
- лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш;
- биноларнинг техник ҳолати тўғрисида хулосалар тақдим этиш;
- топографик хариталарни ишлаб чиқиш;
- муҳандислик-геодезия ва муҳандислик-геология ишлари;
- қурилиш материаллари синови лабораториясини ташкил этиш.

Жамият Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги томонидан таъқиқланмаган бошқа фаолият турларини ҳам амалга оширишга ҳақлидир.

3.3. Лицензия олишни талаб қиладиган фаолият, Жамият томонидан тегишли лицензия олингандан кейин амалга оширилади.

### 4-МОДДА.

#### ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Жамият Иштирокчилари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Қонунда ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда жамиятнинг ишларини бошқаришда иштирок этиш;
- қонун ҳужжатларида ва жамият таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда жамиятнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳамда унинг бухгалтерия ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлари билан танишиш;
- фойдани тақсимлашда иштирок этиш;
- жамиятнинг устав капиталидаги (устав капиталидаги) ўз улушини ёхуд унинг бир қисмини ушбу Қонунда ва жамиятнинг уставда назарда тутилган тартибда мазкур жамиятнинг бир ёки бир неча иштирокчисига сотиш ёки ўзга тарзда уларнинг фойдасига воз кечиш;
- жамият бошқа иштирокчиларининг розилигидан қатъи назар ушбу Қонунда ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда исталган вақтда жамиятдан чиқиш;
- жамият тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкнинг бир қисмини ёки унинг қийматини олиш.

4.2. Жами улушлари Жамият устав капиталининг камида ўн фоизини ташкил этадиган Жамият иштирокчилари ўз мажбуриятларини қўпол бузаётган ёхуд ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан Жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган ёки уни жиддий тарзда қийинлаштираётган иштирокчини Жамиятдан суд тартибида чиқарилишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

4.3. Жамиятнинг Иштирокчиси Жамиятнинг Устав капиталидаги ўзига тегишли улушни (улушнинг бир қисмини) Жамиятнинг бошқа Иштирокчисига ёки, Жамиятнинг розилиги билан учинчи шахсга Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қўпчилик овози билан қабул қилинган қарорига биноан гаровга қўйишга ҳақлидир.

Ўз улушини (улушининг бир қисмини) гаровга қўйиш ниятида бўлган Жамият Иштирокчисининг овози овоз бериш натижаларини аниқлашда ҳисобга олинмайди.

4.4. Жамиятнинг Иштирокчилари амалдаги қонун ҳужжатлари ва Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

4.5. Жамиятнинг Иштирокчилари:

➤ Мазкур Устав қоидалари ва Жамият олий бошқарув органи қарорларига амал қилиши;

➤ Қонунда ва Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, миқдорда, усулларда ва муддатларда ҳисса қўшиши;

➤ Жамият фаолияти тўғрисидаги сир тутилган ахборотни, шунингдек Жамиятга алоқадор бўлган тижорат ва бошқа махфий маълумотларни ошқор қилмаслиги;

➤ Жамият фаолиятига ўзининг ваколати доирасида ҳар қандай ёрдам кўрсатиши шарт.

Жамият Иштирокчилари амалдаги қонун ҳужжатларида ва Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эгадирлар.

## 5-МОДДА.

### ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ КАПИТАЛИ

5.1. Жамият фаолиятини таъминлаш учун Иштирокчилар ҳисобидан устав капитали шакллантирилади.

Жамият устав капитали **10.000.000.000,00 (ўн миллиард) сўм**ни ташкил этади.

5.2. Жамият Иштирокчиларининг устав капиталидаги улушлари миқдори қуйидагича тақсимланади:

– “SQB CAPITAL” МЧЖ, устав капиталидаги улуши **9.999.900.000,00 (тўққиз миллиард тўққиз юз тўқсон тўққиз миллион тўққиз юз минг) сўм**, яъни 99,999%;

– Фуқаро **Оллаберганов Сирожиддин Қадамбоевич**, устав капиталидаги улуши **100.000,00 (бир юз минг) сўм**, яъни 0,001%.

5.3. Иштирокчилар устав капиталига ўз улушларини қуйидагилар кўринишида киритишлари мумкин:

- пул маблағлари;
- турли хил мол-мулк (бино-иншоотлар, асбоб-ускуналар, асбоб-ускуналарга эҳтиёт қисмлар, хом ашё, бошқа товар-моддий бойликлар ва бошқалар);
- интеллектуал мулк;
- мулкий ҳуқуқлар, ёхуд пул баҳосига эга бўлган бошқа шахсга ўтказиладиган ўзга ҳуқуқлар.

5.4. Жамиятнинг Иштирокчилари ва Жамиятга қабул қилинадиган учинчи шахслар томонидан Жамиятнинг устав капиталига қўшиладиган пулсиз ҳиссаларнинг пул баҳоси Жамият иштирокчилари Умумий йиғилишининг Жамиятнинг барча Иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинадиган қарори билан тасдиқланади.

5.5. Устав капиталига ҳисса сифатида Жамиятга фойдаланиш учун берилган мол-мулкнинг муддат ўтгунга қадар ушбу мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи тугатилган тақдирда, Жамиятнинг мол-мулкни берган Иштирокчиси Жамиятнинг талабига биноан унга шундай мол-мулкдан шунга ўхшаш шароитларда қолган муддат мобайнида фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақиқа тенг пул товони тўлаши шарт. Пул товони Жамият томонидан уни бериш талабномаси тақдим этилганидан эътиборан агар Жамият иштирокчилари Умумий йиғилишининг қарори билан товон тўлашнинг бошқача тартиби белгиланган бўлмаса, бир ой ичида бир йўла тўланиши керак. Бундай қарор Жамиятнинг устав капиталига ҳисса сифатида мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини берган ва бу ҳуқуқ муддатидан илгари тугатилган Жамият Иштирокчисининг овозини ҳисобга олмаган ҳолда Жамият Иштирокчиларининг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

5.6. Жамиятдан чиқарилган ёки ундан чиқиб кетган Иштирокчи томонидан Жамиятнинг устав капиталига хисса тариқасида фойдаланиш учун берилган мол-мулк, у қанча муддатга берилган бўлса, шунча муддат давомида Жамият фойдаланишида қолаверади.

5.7. Жамиятнинг ҳар бир Иштирокчиси Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб бир йилдан ошмайдиган муддат мобайнида Жамиятнинг устав капиталига ўз ҳиссасини тўлиқ киритиши керак.

5.8. Жамият Иштирокчилари томонидан ҳиссанинг тўлиқ киритилганлиги Жамият Иштирокчисига бериладиган гувоҳнома билан тасдиқланади. Мазкур гувоҳнома қимматли қоғоз ҳисобланмайди.

## **6-МОДДА.**

### **ЖАМИЯТ УСТАВ КАПИТАЛИНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ**

6.1. Жамиятнинг устав капиталини кўпайтиришга, у тўлиқ тўланганидан кейингина йўл қўйилади.

6.2. Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш Жамият барча иштирокчиларининг бир овоздан қабул қилинган қарорига биноан амалга оширилади.

6.3. Жамият устав капиталининг кўпайтирилиши:

- Жамиятнинг мол-мулки;
- Жамият Иштирокчиларининг қўшимча ҳиссалари;
- Жамиятга қабул қилинаётган учинчи шахсларнинг ҳиссалари ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

6.4. Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилиши Жамият Иштирокчисининг қўшимча ҳисса қўшиш тўғрисидаги аризаси (Жамият Иштирокчиларининг аризалари) ва (ёки) учинчи шахснинг (учинчи шахсларнинг) уни (уларни) Жамиятга қабул қилиш ва ҳисса қўшиш тўғрисидаги аризаси (аризалари) асосида Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш тўғрисида Қарор бир овоздан қабул қилинади.

6.5. Жамият ўз устав капиталини камайтиришга ҳақлидир, “Қонун” ва амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда эса, Жамият Иштирокчиларининг Жамият устав капиталдаги улушларининг номинал қийматини камайтириши ва (ёки) Жамиятга тегишли улушларнинг ҳақини тўлаш орқали устав капиталини камайтириши шарт.

6.6. Жамият, агар бундай камайтириш натижасида устав капиталининг миқдори амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳолда белгиланган устав капитали миқдоридан камайиб кетса устав капиталини камайтиришга ҳақли эмас.

6.7. Жамият барча Иштирокчилари улушларининг номинал қийматини камайтириш йўли билан Жамият устав капиталини камайтириш Жамият барча Иштирокчилари улушлари миқдорларининг фоиз нисбати сақлаб қолинган ҳолда амалга оширилиши лозим.

## **7-МОДДА.**

### **ЖАМИЯТНИНГ МОЛ-МУЛКИ**

7.1. Жамият ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинмайдиган алоҳида мол-мулкка эга бўлади. Мулк ҳуқуқи асосида Жамиятга унинг иштирокчилари томонидан хисса сифатида берилган мулк, шунингдек бошқа асослар бўйича олинган мулк Жамиятга тегишли бўлади.

7.2. Жамият мулкдор ҳуқуқларини амалга оширган ҳолда ўз қарамоғидаги мулкига нисбатан амалдаги қонунчиликка ҳамда Жамият таъсис ҳужжатларига зид бўлмаган ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли, шу жумладан:

- мулкни ўз қарамоғидан бошқа шахслар эгаллигига чиқаришга;
- мулкдор сифатида қолган ҳолда мулкка эгалик қилиш, ишлатиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларини беришга ҳақли.

## 8-МОДДА.

### ЖАМИЯТ УСТАВ КАПИТАЛИДАГИ УЛУШНИНГ (УЛУШ БИР ҚИСМИНИНГ) БОШҚА ШАХСГА ЎТИШИ ТАРТИБИ

8.1. Жамият Иштирокчиси Жамиятнинг устав капиталидаги ўз улушини ёхуд унинг бир қисмини Жамиятнинг бир ёки бир неча Иштирокчисига сотишга ёки ўзга тарзда улар фойдасига воз кечишга ҳақлидир. Бундай битимни тузиш учун Жамиятнинг ёки Жамият бошқа Иштирокчиларининг розилиги талаб қилинмайди.

8.2. Жамият Иштирокчиси мазкур Уставга риоя қилган ҳолда ўз улушини (улушининг бир қисмини) учинчи шахсларга сотиши ёки бошқача тарзда уларнинг фойдасига воз кечиши мумкин.

8.3. Жамият Иштирокчисининг улуши тўлиқ тўлангунга қадар бўлган даврда у фақат тўланган қисми бўйича бошқа шахсга ўтказилиши мумкин.

8.4. Жамият Иштирокчилари Жамият Иштирокчисининг улушини (улушининг бир қисмини) учинчи шахсга таклиф қилинадиган баҳо бўйича ўз улушлари миқдорларига мутаносиб равишда сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланадилар. Агар Жамиятнинг бошқа иштирокчилари улушни (улушнинг бир қисмини) сотиб олишда ўзларининг имтиёзли ҳуқуқларидан фойдаланмаган бўлсалар, Жамият ўзининг Иштирокчиси томонидан сотилаётган улушни (улушнинг бир қисмини) сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади.

8.5. Ўз улушини (улушининг бир қисмини) учинчи шахсга сотиш ниятида бўлган Жамият Иштирокчиси улуши сотиладиган баҳони ва бошқа шартларни кўрсатган ҳолда бу ҳақда Жамиятнинг қолган Иштирокчиларини ва Жамиятнинг ўзини ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Бунда, ёзма хабарномани буюртма почта орқали (олганлик ҳақидаги билдириш хати билан) юбориш ёки хабарномани олувчининг имзоси олинган ҳолда юбориш тегишли равишда хабардор қилиниш хисобланади. Жамият Иштирокчилари ва (ёки) Жамият сотиш учун таклиф қилинаётган бутун улушни (улушнинг бутун қисмини) сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқдан, шундай хабар берилган кундан эътиборан бир ой ичида фойдаланмаган тақдирда улуш (улушнинг бир қисми) Жамиятга ва унинг Иштирокчиларига хабар қилинган баҳоларда ва шартларда учинчи шахсга сотилиши мумкин.

8.6. Иштирокчининг Жамият устав капиталидаги улуши (улушнинг бир қисми) мустақил баҳоловчи ташкилот томонидан аниқланадиган бозор қийматида, бироқ барча ҳаражатлар ва киритилган улушнинг (улушнинг бир қисмининг) Иштирокчининг бухгалтерия балансида акс эттирилган баланс қийматидан кам бўлмаган миқдорда сотилади.

8.7. Жамият Иштирокчисининг Жамият устав капиталидаги ўз улушини ёхуд унинг бир қисмини Жамиятнинг бир ёки бир неча Иштирокчисига сотиши ёки ўзга тарзда улар фойдасига воз кечиши билан боғлиқ масалаларни тартибга солиш мақсадида Жамият Иштирокчилари ўзаро улушни дастлабки олди-сотди шартномасини имзолаши мумкин.

8.8. Жамият устав капиталидаги улушдан (улушнинг бир қисмидан) бошқа шахснинг фойдасига воз кечиш, оддий ёзма шаклда амалга оширилиши керак.

8.9. Жамият устав капиталидаги улушдан (улушнинг бир қисмидан) бошқа шахснинг фойдасига воз кечилгани ҳақида бундай воз кечишнинг далилларини тақдим этган ҳолда ёзма равишда жамият хабардор қилиниши лозим. Жамиятнинг устав капиталидаги улушни (улушнинг бир қисмини) олувчи мазкур воз кечиш тўғрисида Жамият хабардор қилинган пайдан эътиборан Жамият иштирокчисининг ҳуқуқларига эга бўлади ва мажбуриятларини амалга оширади.

Жамиятнинг устав капиталидаги улушни (улушнинг бир қисмини) олувчига Жамият Иштирокчисининг мазкур улушдан (улушнинг бир қисмидан) воз кечишига қадар юзага келган барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ўтади.

## **9-МОДДА.**

### **ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ЖАМИЯТДАН ЧИҚИШ ТАРТИБИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ**

9.1. Жамият Иштирокчиси Жамият Иштирокчилари таркибидан бошқа Иштирокчилар ёки Жамиятнинг розилигидан қатъий назар Қонун, шунингдек ушбу Устав ва Жамият Таъсис шартномасида назарда тутилган тартибда исталган вақтда чиқиб кетишга ҳақлидир.

9.2. Жамият Иштирокчисини Жамият таркибидан чиқишида унинг улуши, Жамият таркибидан чиқиш тўғрисидаги аризани топширган пайтдан бошлаб Жамият тасарруфига ўтади. Бунда Жамият Иштирокчига бу улушнинг ҳақиқий қийматини тўлаши ёки чиқиб кетган Иштирокчининг розилиги билан улушини худди шундай қийматдаги натура ҳолида берилиши лозим.

Улушнинг ҳақиқий қиймати чиқиш вақтидан олдинги сўнгги ҳисобот даври учун Жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари асосида аниқланади.

9.3. Жамият таъсис этилишида ўз ҳиссасини муддатида тўлиқ киритмаган Жамият Иштирокчисининг улуши, шунингдек ушбу Уставнинг 5.5. бандида назарда тутилган пуллик товонни ўз муддатида тақдим этмаган Жамият Иштирокчисининг улуши Жамиятга ўтказилади.

Бунда Жамият Иштирокчисига улушнинг (мол-мулк Жамият фойдаланишида бўлган муддатга) у қўшган ҳиссанинг қисмига мутаносиб равишдаги қисмининг ҳақиқий қийматини Жамият тўлаши ёки Жамият иштирокчисининг розилиги билан унга худди шундай қийматдаги мол-мулкни натура ҳолида беришга мажбур.

Улуш бир қисмининг ҳақиқий қиймати ҳиссани қўшиш ёки товонни тақдим этишнинг муддати ўтадиган кундан олдинги охириги ҳисобот даври учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари асосида аниқланади.

9.4. Жамият унинг таркибидан чиқиш тўғрисидаги ариза берган Иштирокчига унинг улушини (улушини қисмини) ҳақиқий қийматини ёки худди шундай қийматдаги натура ҳолида Жамиятга унинг улушини ўтказилганидан кейин бир йил мобайнида тўлаши лозим.

## **10-МОДДА.**

### **БОШҚАРУВ**

10.1. Қуйидагилар Жамиятнинг бошқарув органлари ҳисобланади:

- Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши;
- Кузатув кенгаши;
- Директор.

10.2. Иштирокчиларнинг Умумий йиғилиши Жамиятнинг Олий бошқарув органи ҳисобланади.

10.3. Кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарлик қилади, амалдаги қонунчилик ва таъсис ҳужжатлари билан иштирокчилар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига киритилган масалалардан ташқари бошқа масалаларни ҳал этади.

10.4. Жамиятнинг кундалиқ фаолияти юзасидан раҳбарлик яккабошчилик асосидаги ижроия органи – Директор томонидан амалга оширилади. Жамиятнинг Директори Жамият иштирокчилари умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши олдида ҳисобдордир.

10.5. Жамиятнинг бошқарув органлари амалдаги қонунчилик ва Жамият Устави асосида фаолият юритадилар.

## **11-МОДДА.**

### **ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИЛАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ВАКОЛАТЛАРИ**

11.1. Жамият Иштирокчилари Умумий йиғилишнинг мутлақ ваколатлари жумласига қуйидагилар қиради:

а) Жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, шунингдек тижорат ташкилотларининг бошқа бирлашмаларида Жамият иштирок этиши тўғрисида қарор қабул қилиш;

- б) Жамият устав капиталининг миқдорини ўзгартириш, шу жумладан Жамият устав капитали миқдорини Иштирокчи (иштирокчилар) ва (ёки) учинчи шахсларнинг қўшимча хиссалари ҳисобига кўпайтириш;
- в) таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш;
- г) Жамиятнинг Директори тимсолидаги ижро этувчи органларини тузиш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- д) Жамиятнинг тафтиш комиссиясини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- е) Кузатув кенгашини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- ё) йиллик ҳисоботлар ва йиллик бухгалтерия балансларини ҳамда Жамиятнинг йиллик ҳаражатлар сметасини тасдиқлаш;
- ж) Жамият Иштирокчилари ўртасида Жамият соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- з) Жамият органларининг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлаш (қабул қилиш);
- и) аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш, аудиторлик ташкилотлари ҳамда уларнинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини аниқлаш;
- й) Жамият номидан Директорни номуайян муддатга ёллаш тўғрисида меҳнат шартномасини тузиш;
- к) бошқа юридик шахсларни, ваколатхоналар ва филиалларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш, уларнинг таъсис ҳужжатларини тасдиқлаш ҳамда улар фаолиятини муддатидан олдин тугатиш, ваколатхоналар ва филиалларнинг ижроия органларини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- л) Жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- м) тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- н) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Жамият томонидан мол-мулк сотиб олиш ва уни ўз тасарруфидан чиқариш билан боғлиқ йирик битимлар тузиш;
- о) Жамият устав капиталига Жамият Иштирокчилари ва учинчи шахслар томонидан пулсиз шаклда киритилган хиссаларни пуллик баҳосини белгилаш;
- п) Жамият Иштирокчилари максимал улушини чегаралаш, шунингдек Жамият Иштирокчиларининг улушлари нисбатини ўзгартириш имконияти тўғрисидаги қарор қабул қилиш;
- р) Иштирокчининг устав капиталдаги улушини (улушининг бир қисмини) Жамиятнинг бошқа Иштирокчисига ёки учинчи шахсга гаровга қўйиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- с) нархидан қатъий назар, Жамиятнинг асосий фондларини тасарруф этиш, шунингдек, Жамиятнинг асосий фондлари хатланиши ёки Жамият тасарруфидан чиқарилишига олиб келадиган (гаров, ипотека, кафолат мажбуриятлари ва х.к.), ҳамда Жамият билан манфаатдор бўлган Жамият Иштирокчиси билан битимларни тузишга розилик бериш;
- т) ушбу Устав ва Қонунда назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.
- 11.2. Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари жумласига киритилган масалалар Жамиятнинг Кузатув кенгаши ёки ижро этувчи органи ҳал этиши учун топширилиши мумкин эмас.

## 12-МОДДА.

### ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

12.1. Жамият иштирокчиларининг навбатдаги Умумий йиғилиши йилига камида бир марта ўтказилади.

12.2. Жамият Иштирокчиларининг навбатдаги Умумий йиғилиши Жамиятнинг ижро этувчи органи томонидан чақирилади.

12.3. Жамият Иштирокчиларининг навбатдаги Умумий йиғилишида мажбурий равишда Жамият фаолиятининг йиллик натижалари ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа масалалар тасдиқланади.

12.4. Жамият Иштирокчиларининг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши, бундай умумий йиғилишни ўтказишни Жамиятнинг ва унинг Иштирокчиларининг манфаатлари тақозо этса, Қонунда белгиланган тартибда ўтказилади.

12.5. Жамият Иштирокчиларининг Умумий йиғилишини чақирувчи орган ёки шахслар уни ўтказишдан камида ўттиз кун олдин, бу ҳақда Жамиятнинг ҳар бир Иштирокчисини Жамият Иштирокчиларининг рўйхатида кўрсатилган манзил бўйича буюртма хат билан хабардор қилиши шарт.

Хабарномада Жамият Иштирокчиларининг Умумий йиғилиши ўтказиладиган вақт ва жой, шунингдек таклиф қилинаётган кун тартиби кўрсатилиши керак.

12.6. Жамият Иштирокчиларининг Умумий йиғилишини чақирувчи орган ёки шахслар уларга ахборот ва материалларни Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарнома билан биргаликда юбориши шарт, кун тартиби ўзгартирилган тақдирда, тегишли ахборот ва материаллар ана шундай ўзгартиш тўғрисидаги хабарнома билан биргаликда юборилади. Кўрсатилган ахборот ва материаллар Жамият Иштирокчиларининг Умумий йиғилиши ўтказилишидан олдин ўттиз кун мобайнида Жамият ижро этувчи органининг биносида танишиш учун Жамиятнинг барча Иштирокчиларига тақдим этилиши керак.

12.7. Жамият Иштирокчиларининг Умумий йиғилишини чақирининг мазкур Устав ҳамда Қонунда белгиланган тартиби бузилган тақдирда, агар бундай умумий йиғилишда Жамиятнинг барча Иштирокчилари иштирок этаётган бўлса, у ваколатли деб эътироф этилади.

12.8. Жамият Иштирокчиларининг Умумий йиғилиши Қонунда, Жамиятнинг Уставида ва унинг ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилади. Қонун, Жамиятнинг Устави ва ҳужжатлари билан тартибга солинмаган қисмида Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини ўтказиш тартиби Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади.

12.9. Жамият Иштирокчилари Умумий йиғилишда шахсан ёки ўз вакиллари орқали иштирок этишга ҳақлидирлар. Жамият Иштирокчиларининг вакиллари ўз ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатни (ишончномани) кўрсатишлари лозим. Жамият Иштирокчисининг вакилига берилган ишончнома қонун талабларига мувофиқ расмийлаштирилган бўлиши керак.

12.10. Жамият Иштирокчилари Умумий йиғилишининг қарорлари очик овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

12.11. Жамиятнинг ижро этувчи органи Жамият иштирокчилари Умумий йиғилишининг баённомаси юритилишини ташкил этади.

12.12. Жамият Иштирокчилари Умумий йиғилишининг баённомасида куйидагилар кўрсатилади:

- иштирокчилар Умумий йиғилиши ўтказиладиган вақт ва жой;
- йиғилишда қатнашаётган Иштирокчилар эга бўлган овозларнинг умумий сони;
- йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йиғилишнинг кун тартиби.

12.13. Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий мазмуни, овозга қўйилган масалалар ва улар бўйича овоз бериш яқунлари, йиғилишда қабул қилинган қарорлар акс эттирилган бўлиши шарт.

12.14. Жамият Иштирокчилари Умумий йиғилишининг баённомаси йиғилиш ўтказилганидан сўнг уч кундан кечиктирилмай умумий йиғилиш раиси ва котиби томонидан имзоланади.

12.15. Жамият Иштирокчилари умумий йиғилиши унда Жамиятнинг барча иштирокчилари қатнашган тақдирда ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади. Кворум бўлмаган тақдирда, 30 кунлик муддатда Жамият Иштирокчиларининг такрорий Умумий йиғилиши чақирилади.

Жамият Иштирокчилари Иштирокчиларнинг такрорий Умумий йиғилиши ўтказилиши муддати, вақти ва жойи ҳақида тегишли равишда хабардор қилинган тақдирда, ушбу такрорий йиғилиш унда иштирок этишга келган Иштирокчиларнинг сонидан қатъий назар ваколатли ҳисобланади.

Жамиятнинг ҳар бир Иштирокчисини тегишли равишда хабардор қилиниши сифатида Жамият Иштирокчилари Умумий йиғилишини чақирувчи орган ёки шахс томонидан Иштирокчиларнинг такрорий Умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида у ўтказилишидан камида ўттиз кун олдин Жамият Иштирокчиларининг рўйхатида кўрсатилган манзил бўйича буюртма хат билан хабардор қилиниши тушунилади.

12.16. Ушбу Уставнинг 11.1 банди к) хатбошисида кўрсатилган масала юзасидан қарорлар жамиятнинг барча иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинади. Қолган қарорлар жамият иштирокчилари умумий овозлар сонининг кўпчилик овозлари билан қабул қилинади.

### 13-МОДДА.

#### КУЗАТУВ КЕНГАШИ

13.1. Кузатув Кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарлик қилади, амалдаги қонунчилик билан Иштирокчилар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига киритилган масалалардан ташқари бошқа масалаларни ҳал этади.

Кузатув Кенгаши аъзолигига бир йил муддатга Иштирокчининг вакиллари Иштирокчилар умумий йиғилиши қарори билан сайланади. Иштирокчининг вакилларида ташқари, ишлаб чиқариш соҳасидаги таниқли олимлар ва мутахассислар ҳам Кузатув кенгашининг аъзоси бўлишлари мумкин. Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Кузатув Кенгаши аъзолари бўлиши мумкин эмас.

Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 5 кишидан иборат бўлади.

Кузатув кенгашининг мақоми, иш тартиби (регламенти), кенгаш аъзоларини сайлаш тартиби ва унинг аъзоларининг ҳуқуқ ва вазифалари “Кузатув Кенгаши тўғрисида”ги Низомда белгиланади.

13.2. Кузатув Кенгашининг бурчлари қуйидагилардан иборат:

- Иштирокчилар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Жамият фаолиятининг тўғрилигини назорат қилиш;
- Жамиятнинг сиёсатлари ва ривожланиш стратегиясини шакллантириш;
- Жамият фаолиятида қонун ҳужжатларига риоя қилинишини таъминлаш;
- ҳар чоракда жамият ижроия органининг ҳисоботини эшитиш;
- Жамият даромадлари ва молиявий аҳволи устидан мониторингни амалга ошириш;
- Жамиятда ички аудит хизмати фаолият кўрсатишини ташкил этиш;
- Жамиятни ривожлантиришга оид қабул қилинган бизнес-режаларнинг бажарилишини назорат қилиш.

13.3. Кузатув Кенгаши ваколатларига қуйидагилар киради:

- жамиятни ривожлантириш стратегиясини белгилаш;
- Иштирокчиларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш;
- Иштирокчилар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш ва уни ўтказиладиган санасини белгилаш;
- жамият Директорини ваколатларини муддатидан аввал тўхтатиш тўғрисида иштирокчилар умумий йиғилишига таклиф киритиш;
- ҳар чоракда Директорнинг ҳисоботларини, шу жумладан йиллик бизнес-режа бажарилиши бўйича ҳисоботни эшитиб бориш;
- жамиятни қайта ташкил этиш, йиллик ҳисоботларни, бухгалтерия балансларини, фойда ва зарарлар ҳисобварағини, фойдани тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартибини тасдиқлаш масалаларини иштирокчилар умумий йиғилиши муҳокамасига киритиш;

- жамият ички аудитининг ҳолатини назорат этиш, ички аудит хизмати раҳбарини тайинлаш ва вазифасидан озод этиш, шунингдек ички аудит хизматининг йиллик харажатлар сметасини тасдиқлаш. Ички аудит хизматининг ҳар чоракдаги ҳисоботини мунтазам тинглаш;

- тақсимланадиган фойданинг миқдори ва уни тўлаш тартиби бўйича иштирокчиларнинг умумий йиғилишига тавсиялар бериш;

- тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчига) тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдори юзасидан ҳамда аудиторлик ташкилотининг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилашга доир тавсиялар бериш;

- мол-мулкни сотиб олиш ва уни ўзгалар ихтиёрига ўтказиш билан боғлиқ йирик битимлар тузиш масаласини иштирокчилар умумий йиғилиши муҳокамасига киритиш;

- агар битимлар тузишдан манфаатдорлик бўладиган бўлса, қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш;

- жамиятнинг бизнес-режасини тасдиқлаш;

- кредитлар олиш, учинчи шахсларнинг мажбуриятларини таъминлаш мақсадида жамият номидан кафиллик бериш, жамиятнинг мол-мулкни гаровга қўйиш масалаларини иштирокчилар умумий йиғилиши муҳокамасига киритиш;

- қонунчилик ҳужжатлари ва ушбу Уставга биноан Кузатув кенгаши ваколатига киритилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

Кузатув Кенгашининг мутлақ ваколатига кирувчи масалаларнинг ҳал этилиши Ижроия органига берилиши мумкин эмас.

13.4. Кузатув кенгашининг раиси қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқланади.

Кузатув кенгаши раисининг ўринбосари Кузатув кенгаши аъзолари орасидан кенгаш раиси томонидан тайинланади.

Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кенгаш мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади. Кузатув кенгаши раиси бўлмаган ҳолларда унинг вазифаларини Кузатув кенгаши раиси ўринбосари бажаради.

13.5. Кузатув кенгаши мажлиси унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари Кузатув кенгаши раисининг ташаббусига кўра ёки кенгашнинг икки ва ундан ортиқ аъзолари, Тафтиш комиссияси, ички аудит хизмати раҳбари, ташқи аудитор, Директор, шунингдек, жами устав фондида камида бир фоиз улушга эга бўлган иштирокчининг талабига биноан чақирилади.

Кузатув кенгаши мажлиси, унда сайланган кенгаш аъзоларининг камида 60 фоизи иштирок этганда ваколатли (кворум тўлган) деб ҳисобланади.

Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

Кузатув кенгаши қарорлари оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

## 14-МОДДА.

### ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

14.1. Жамиятнинг ижроия органи Директор ҳисобланади. Директор Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан номуайян муддатга сайланади ва тасдиқланади.

14.2. Директор Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилади ва Кузатув кенгаши ҳамда Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши олдида уларнинг қарорлари бажарилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

14.3. Жамият ва унинг яккабошчилик асосидаги Директори вазифасини бажарадиган шахс ўртасидаги шартнома Жамият номидан Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи вазифасини амалга оширувчи шахс сайланган умумий йиғилишдаги раислик қилувчи шахс томонидан ёки Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарори билан ваколат берилган Жамият иштирокчиси томонидан имзоланади.

#### 14.4. Жамиятнинг Директори:

- Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди ва битимлар тузади;
- банкларда ҳисоб ва бошқа рақамларни очади, Жамиятнинг мол-мулки ва молиявий маблағларини ўз ваколати доирасида бошқаради;
- Жамият номидан вакиллик қилиш ҳуқуқи учун ишончномалар беради;
- Жамият ходимлари билан меҳнат шартномалари тузади ва уларни бекор қилади, ходимларга нисбатан рағбатлантириш чораларини ва интизомий жазоларни қўллайди;
- Жамият ўрин жадвалини, жумладан ходимларга тўланадиган иш ҳақи миқдорини тасдиқлайди ва ходимларни рағбатлантириш учун иш ҳақиға қўшимча равишда тўланадиган тўловлар миқдорини ва уларни амалга ошириш тартибини белгилайди;
- Жамиятнинг кундалик фаолияти бўйича буйруқлар, фармойишлар чиқаради, Жамият ишчиларининг лавозим йўриқномалари ва ҳ.к.ларни тасдиқлайди;
- ушбу Устав билан Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши ваколатлари жумласига киритилмаган бошқа ваколатлар, шунингдек Иштирокчилар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши томонидан берилган ваколатлар доирасида бошқа ваколатларни амалга оширади.

14.5. Жамият Директорининг фаолияти ва унинг томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби Жамиятнинг ҳужжатлари билан, шунингдек Жамият ва Директор ўртасида тузилган шартнома билан белгиланади.

### 15-МОДДА.

#### ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

15.1. Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан назоратни иштирокчилар умумий йиғилишида 1 йил муддатга сайланадиган 3 кишидан иборат Тафтиш комиссияси ёки ташқи аудиторлик ташкилоти бажаради.

Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш Тафтиш комиссиясининг ташаббусига, Иштирокчилар умумий йиғилишининг қарорига ёки Жамият Иштирокчилари умумий овозлари сонининг жами камида учдан бир қисмига эга бўлган Жамият Иштирокчиларининг талабига биноан бир йиллик ёки бошқа давр учун фаолият якунларига кўра амалга оширилади.

Жамият Тафтиш комиссиясининг талабига биноан Жамият Директори, шунингдек Жамиятнинг ходимлари оғзаки ёки ёзма шаклда зарур тушунтиришлар беришлари шарт.

Жамиятнинг Тафтиш комиссияси Жамиятнинг йиллик ҳисоботларини ва бухгалтерия балансларини улар Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилишида тасдиқлангунига қадар мажбурий тартибда текширишдан ўтказиши.

Жамиятнинг Тафтиш комиссиясининг иш тартиби Жамиятнинг ички ҳужжатлари билан белгиланади.

Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан назорат учун Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг қарори билан ташқи аудиторлик ташкилотлари жалб қилинишлари мумкин.

Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан ва у томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликка риоя этилишининг назорати солиқ ва бошқа давлат органлари томонидан ҳам уларнинг ваколати доирасида амалга оширилади.

Тафтиш ва текширишлар Жамиятнинг нормал иш фаолияти олиб боришига тўсқинлик қилмаслиги керак.

15.2. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ички аудит хизматини ташкил этади ва унинг ходимларини тайинлайди. Ички аудит хизмати Жамиятнинг Кузатув кенгашига ҳисобдордир.

Ички аудит хизмати Жамиятнинг ижро этувчи органи, ваколатхоналари ва филиаллари томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғри акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек, Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг ижро этувчи органи, ваколатхоналари ва филиаллари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси тегишли қонунчилиги ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

#### **16-МОДДА.**

### **ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ.**

#### **ЖАМИЯТНИНГ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ**

16.1. Молиявий йил календарь йилининг 1 январь кунидан бошланади ва 31 декабрда тугайди. Йил тугаганда Жамиятнинг баланси, фойда ва зиёнлар ҳисоби тузилади. Директор молиявий йил тугагандан сўнг 3 ойдан кечиктирмай Жамият фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни Иштирокчилар умумий йиғилишига тақдим этади.

16.2. Жамият ўз фаолияти натижаларини ҳисобга олишни бажаради, бухгалтерлик, статистик ҳисоботни олиб боради ва уни белгиланган тартибда солиқ инспекцияси ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлат ҳокимлик органларига тақдим этади.

16.3. Бухгалтерлик ҳисоботи, Жамиятнинг йиллик ҳисоботларини тузиш ва текшириш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ олиб борилади.

#### **17-МОДДА**

### **ЖАМИЯТ ҲУЖЖАТЛАРИНИ САҚЛАШ**

17.1. Жамият қуйидаги ҳужжатларни Жамият фаолиятининг муддати мобайнида сақлаши шарт:

- Жамиятнинг таъсис ҳужжатлари, шунингдек Жамиятнинг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган янги тахрирдаги таъсис ҳужжатларини;
- Жамият Таъсисчилари йиғилишининг Жамиятни ташкил этиш ва Жамиятнинг Устав капиталига қўшиладиган пулсиз ҳиссаларнинг пул баҳосини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорни, шунингдек, Жамиятни ташкил этиш билан боғлиқ бошқа қарорларни ўз ичига олган баённомаси;
- Жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- Жамиятнинг ўз балансида турган мол-мулкка бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- Жамиятнинг шўъба корхоналари, филиаллари ва ваколатхоналари тўғрисидаги таъсис ҳужжатлар ва низомлар;
- Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишларининг баённомалари;
- аудиторлик ташкилотининг хулосалари;
- амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар.

17.2. Жамият ушбу Уставнинг 17.1. бандида назарда тутилган ҳужжатларни унинг ижроия органининг жойлашган манзили бўйича сақлайди.

#### **18-МОДДА.**

### **ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИЛАРИ ВА БОШҚА ШАХСЛАРГА**

#### **ЖАМИЯТНИНГ АХБОРОТНИ БЕРИШ ТАРТИБИ**

18.1. Жамият ўз Иштирокчисининг, Кузатув кенгашининг, аудиторлик ташкилотининг талабига биноан, улар кўрсатган оқилона муддатда Жамиятнинг таъсис ва бошқа ҳужжатлари, шунингдек Жамиятнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа исталган ахборот билан танишиш имкониятини бериши шарт.

**19-МОДДА.****ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ**

19.1. Жамиятни қайта ташкил этиш Иштирокчилар умумий йиғилишининг қарорига биноан қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва қайта тузиш шаклида амалга оширилиши мумкин.

Жамиятни қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг, шунингдек Қонуннинг 49-54-моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

19.2. Жамият:

- Иштирокчилар умумий йиғилишининг қарори бўйича;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ суд қарори бўйича;
- амалдаги қонунчиликда назарда тутилган бошқа асослар бўйича тугатилади.

**20-МОДДА.****БОШҚА ШАРТЛАР**

20.1 Ушбу Уставга киритиладиган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар Жамият Иштирокчилари томонидан ушбу Устав ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган қоидалар бўйича тасдиқланиши, сўнгра давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Ушбу Уставга киритиладиган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда кучга киради.

20.2. Ушбу Устав давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб кучга киради.

20.3. Ушбу Устав Жамиятнинг барча органлари, Жамият Иштирокчилари, Кузатув кенгаши, Жамият ходимларига таалукли бўлган шахслар ва бошқа учинчи шахсларга нисбатан мажбурий кучга эга.

20.4. Агар ушбу Уставнинг бирор бир қоидаси ўз кучини йўқотса, қолган қоидалар ўз кучини сақлаб қолади.

20.5. Агар ушбу Устав қоидалари Таъсис шартномаси қоидаларига зид бўлса, бундай ҳолда Жамият Иштирокчилари ва учинчи шахслар учун устун кучга эга бўлган ушбу Устав қоидалари амал қилинади.

20.6. Ушбу Уставда ҳал этилмаган масалалар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги мувофиқ ҳал этилади.

**УШБУ УСТАВНИ ИМЗОЛАДИЛАР:**

**“SQB CAPITAL” МЧЖ**  
**Бошқарув Раиси**



**Н.М. Дадажанов**

**Фуқаро**

**С.Қ. Оллаберганов**